

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИДАН

МУСТАҚИЛ ИШ

МАВЗУ: Бозор иктисодиётининг моҳияти.

Бажарди: Фозилов Х.

Тошкент - 2015

Режа:

1. Бозор иктисодиёти ва унинг вужудга келиши. Бозор иктисодиётининг асосий белгилари

2. Бозор иктисодиётининг объектлари ва субъектлари

3. Бозор иктисодиёти умуминсоний иктисодиёт

Бозор иктисодиёти куп асрлардан буён мавжуд бўлиб, тараккиётнинг ҳозирги боскичидагина умуминсоний кадрият даражасига кутарилди.

Бозор иктисодиёти уз ривожланишида куйидаги боскичларни босиб ўтди. Дастлабки, «куртак», эркин, тартибга солинувчи, деформациялашган бозор иктисодиёти.

1. Дастлабки, «куртак» бозор иктисодиёти. Бу боскичда бозор иктисодисти эндигина шакллана бошлайди. Бозор муносабатлари, алоқалари тасодифий юз бериб, бир товарни иккинчи товарга айирбоиғлаш тарзида юз беради. Лекин шу гайтданок бозор катга роль уйнай бошлаган. Жамият аъзоларининг табакаланишига, у ёки бу товарни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга аҳамият бериш бошланган.

2. Эркин, стихияли ривожланувчи бозор иктисодиёти. У таркок, бир-биридан ажралган, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар максоди ва ҳаракати бир-бири билан олдиндан мутлако келишилмаган фаолиятдан иборат. Албатга, эркин стихияли бозор иктисодиётининг ҳам дастлабки боскичи билан кейинги классик боскичи уртасида фарк бор. Лекин, умуман олганда, классик бозор иктисодиёти катор хусусиятлари билан ажралиб туради:

3. Кишилиқ жамияти узок тарихий тараккиёт натижасида эришган иктисодиёт - бу цивилизациялашган (тартибга солинадиган) бозор иктисодиётидар.

Тартибга солинадиган бозор иктисодиётида давлат кутилмаганда юз берадиган тангликларни юмшатиш учун чора-тадбирлар белгилаш оркали таъсир курсатади. Албатга, бу чора-тадбирлар хужалиқ юритувчи субъектлар фаолият эркинлигини, ижодий меҳнат ва ташаббускорликни чеклашга олиб келмаслиги керак.

Цивилизациялашган бозор иктисодиётининг ҳам узига хос белгилари бор:

1. Хусусий мулк билан бир каторда бошқа мулк шакллари ҳам мавжуд бўлади.

2. Ишлаб чиқариш бозор талабини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Маркетинг муҳим роль уйнайди. Номатлумлик камаяди.

3. Ҳалол рақобат асосий уринга чиқади, унинг маданий усуллари қулланилади.

4. Иқтисодиёт субъектлари ўртасида узок даврга мулжалланган доимий алоқалар, ўзаро манфаатли шерикчилик муносабатлари қарор топади.

5. Давлат иқтисодий ҳаётга аралашиб, иқтисодиётни тартиблашда қатнашиши туфайли чуқур иқтисодий танглиklar юз бермайди. Агарда улар юз берса ҳам ундан тезда чиқиб кетиш чора-тадбирлари белгиланади.

6. Иқтисодиёт юксак даражага эришганда жамият бой бўлади, шунинг учун тадбиркорлар факат бой бўлиш учун эмас, балки обрӯ-эътибор қозониш, ҳурматга сазовор бўлиш учун ҳам ҳаракат қиладилар.

7. Иқтисодиёт ижтимоий йўналтирилган, қамбағалларга ёрдам бериш, оммавий фаровонликни таъминлашга қаратилган бўлади.

8. Одамларнинг иқтисодий табақаланиш чекланади. Жамиятда ўзига тук ўрта ҳол аҳоли асосий қатламни ташкил қилади.

Цивилизациялашган бозор иқтисодиёти шароитида тартибга солиш факат бозорнинг салбий оқибатларини чеклашга қаратилади. Бундан шундай ҳулоса чиқариш мумкин, бозор иқтисодиёти шароитида бозор, аввало, ўзини-ўзи тартибга солади, ундан ташқари, давлат ҳам иқтисодиётни тартибга солишга таъсир қурсатади.

Бозорни бошқаришда иқтисодий, ташкилий-маъмурий ва низо, ижтимоий-психологик усуллар қулланилади.

Факат, иқтисодчи В.Леонтьев қурсатганидек, энг муҳими бозорни ўзини-ўзи бошқариш билан давлат томонидан тартибга солишнинг оптимал даражасини топишдир. Ҳозиргача бу талабга идеал даражада жавоб берадиган давлат йўқ.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг қаддан ташқари аралашуви бозор иқтисодиётининг деформациялашувига олиб келади.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти унинг асосий белгиларида намоён

булади. Улар куйидагилар:

1. Бозор иктисодиёти мулкчиликнинг турли-туманлигига асосланади. Хар кандай жамиятнинг иктисодий асоси, иктисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Мулк эгаси булиш ёки булмасликка караб, жамиятда хар бир кишининг мавкеи, яъни социал макоми юзага келади.

Барча мулк шакллари тенглигини таъминлаш асосида мулк монополияси (якка хокимлиги)га йул куйилмайди. Мулк шакллари чекланмаган холда ривожланади. Мулк шаклларига хос тарзда хужалик юритиш усуллари хам турли-туман булиб, бу уз навбатида биринчидан, хар бир инсоннинг табиат инъом этган акл заковати, фаросати ва бошка хислатларига кура фаолият турини эркин танлаш имконини беради. Мулкчилик турли шаклларини мавжудлиги ва уларнинг тенглигини иктисодий плюрализмнинг асосидир. Иккинчидан, мулкчилкнинг турли-туманлиги жамиятда ракобат кураши булиши учун зарур мухит яратади. Буларсиз жамият тараккиётига эришиб булмайди (IV боб).

2. Бозор иктисодиёти эркин иктисодиёт. Иктисодий фаолият эркинлигини асоси ишлаб чикариш омиллари ва яратилган товарларнинг мулк объекти, мулк эгаларининг эса мустакил булишидир.

Хар бир киши мавжуд конунларни бузмай хохлаган иктисодий фаолияти билан шугулланиши мумкин. Бунинг учун асос мулкчиликнинг турли-туманлиги ва тенг хукуклиги конуний равишда таъминланган.

3. Бозор иктисодиёти якка хокимлик (монополизм)ни инкор этувчи иктисод. Иктисодий монополизм - корпорация, фирма, ташкилот ёки давлатнинг иктисодиётда ёки бирор сохада танхо хукмронлик килишидир. Монополизмнинг асоси иктисодиётда муайян мулк шаклининг танхо хукмронлигидир. Монополия уз табиатига кура тургунликни пайдо килади, ташаббусни чегаралайди ва хоказо. Шунинг учун хам бозор иктисодиёти монополизм билан чикиша олмайди. У антимонопол йуналишга эга.

4. Бозор иктисодиётида ракобат асосий урин тутади. Ракобат бозор иктисодиётини харакатга келтирувчи, тартибга солувчи, назорат килувчи куч

хисобланади. Ракобат кураши меҳнат унумини оширишга, иш сифатини яхшилашга, янги техника, технологияни жорий қилишга, иқтисодий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатишга ундайди. Ракобат курашида голиб чиқиш учун аҳоли талабига мос товарлар ишлаб чиқаришга, талабнинг узғаришига тез мослашиш зарур. Натижада ракобат кураши иқтисодиётни олға қараб ривожланишига олиб келади. Бу монополия мавжуд бўлган тақдирда ҳам уз билганича иш юритишни билдирмайди (Х боб). Чунки ракобатни давлат тартибга солиб туради. Антимонопол кучлар вужудга келтирилиб, бозор иқтисодиётининг ҳамма субъектлари учун бир хил имконият яратилади. Ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланиш ишбилармонликка боғлиқ.

5. Бозор иқтисодиётида нархлар эркин, талаб ва таклиф нисбати асосида шаклланади. Нарх сотувчи билан харидорнинг савдолашиб келишиши туфайли белгиланади. Бунда сотувчи сарфлаган харажатларини коплаб, фойда қуришни назарда тутса, харидор энг юқори наф қуришини уйлайди. Пул иқтисодий алоқаларнинг асосий воситаси ҳисобланади. Либераллашган нархлар сотувчини ҳам, харидорни ҳам ҳамиша нархни ҳисобга олган ҳолда, фойда-зарарни назарда тутган ҳолда фаолият юритишга олиб келади.

6. Бозор иқтисодиёти шароитида бозор харидорнинг измига бўйсунди. Ишлаб чиқариш, хизмат қурсатиш харидорнинг талаб ва эҳтиёжига қараб мослашишга мажбур. Агарда мослашмаса, яъни талабга лойиқ маҳсулот ишлаб чиқармаса, хизмат қурсатмаса, у зарар қуриши, ҳатто бор будидан ажралиб қолиши мумкин. Бундан келиб чиқиб товар ва хизматлар туқинлигига эришилади, Товарлар туқинлигини таъминлашда нархларнинг эркинлиги муҳим роль уйнайди.

7. Бозор иқтисодиёти фаолиятларни мувофиқлаштириш, бошқаришда ҳам узига хос хусусиятларга эга. Унда уз-узини бошқариш билан давлат таъсирини утқозиши қоришиб кетади.

Бозор иқтисодиёти ҳар қандай иқтисодиёт қаби иқтисодий

конунларнинг амал килиши натижасида ривожланади. Бу конунлар бир томондан, умумиктисодий конунлардан иборат булса, иккинчи томондан бозор иктисодиётининг узига хос конунларидан иборат.

Бозор иктисодиёти иктисодиётни ташкил этиш, фаолият юритишнинг, уни тартибга солиш ва бошқаришнинг мураккаб шакли булиб, аввало у товар-пул муносабатларига асосланади. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар бозор орқали боғланади, уларнинг ҳамкорлиги ҳам бозор орқали таъминланади.

Бозор иктисодиёти ҳар бир инсонни уз фаолиятининг натижасини уйлаб, ҳисоб-китоб қилиб, оқилона иш юритишга ундайди.

Шундай қилиб, бозор иктисодиётига қисқача таъриф бермоқчи бўлсак, уни қуйидагича ифодалаш мумкин: Бозор иктисодиёти товар-пул муносабатлари, иктисодий фаолият эркинлигига асосланган, ҳар бир инсонни уз фаолияти натижасини уйлаб, оқилона ҳужалик юритишга ундовчи демократик иктисодиётдир.

Бозор иктисодиётининг моҳияти ва белгиларини умумий тарзда қуриб чиқдик. Қелгуси бобларда янада батафсилроқ қурамыз. Бу бизга бозор иктисодиётини янада чуқурроқ урганишга ёрдам беради.

Бозор иктисодиёти товар-пул муносабатларига, алоқаларига асосланар экан, унинг объекти ҳамда субъектлари мавжуд.

Бозор иктисодиётининг объектлари - бу муносабатлар, алоқалар нимага нисбатан юз беришини ифодаласа, субъектлари ана шу муносабатлар, алоқалар қимлар уртасида бўлишини ифодалайди.

Бозор иктисодиётининг объекти товар ҳамда пулдир.

Бозор иктисодиёти товар ишлаб чиқаришга асосланган иктисодиётдир. Шунинг учун ҳам бозор иктисодиётининг марказий категорияси товар булиб, унинг тарихий ва мантикий утмишдоши умумқй тарзда «неъмат» деб аталади.

Неъматлар нихоятда қилма-қил. Уларни турли жихатларига қура гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Эхтиёжларни кондирishiга кура:

а) индивидуал эхтиёжларни кондирувчи неъматлар. Буларга истеъмол буюмлари ва ишлаб чиқариш воситалари қиради. Бу товарларни асосан нодавлат сектори истеъмол қилади;

б) эхтиёжларни биргаликда кондирадиган неъматлар. Булар кутубхона, музейлар, медицина хизмати, мактаб, институт, саройлар, спорт комплекслари ва хоказолар;

в) ижтимоий неъматлар. Булар товар бўлмайди, уларга жамоат хавфсизлигини, аҳоли тинчлигини сақлаш, ут учирish, миллий мудофаа ва бошқалар қиради.

2. Неъматларни сероб ёки қамёблигига кура иктисодий ва ноиктисодий гуруҳларга ажратилади.

Иктисодий неъматлар, бу - иктисодий фаолият билан боғлиқ чекланган неъматлар бўлса, ноиктисодий неъматлар эса табиат томонидан чекланмаган тарзда инъом этилган. Ноиктисодий неъматларни яратиш учун ҳеч қандай қуч сарфланмаган. Бу неъматлар табиатда эркин, инсоннинг маълум бир эхтиёжини кондирish учун етарли даражада (хаво, сув, қуёшнинг ёруғлиги, иссиқлиги ва хоказо шунга ухшаш) мавжуд. Жамият таракқиётининг маълум бир босқичида иктисодий неъматлар товар шаклини олади (2 боб).

Маълумки, товар ишлаб чиқариш ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси сифатида иктисодий жихатдан алохидалашуви туфайли вужудга келган.

Товар деб инсоннинг бирон-бир эхтиёжини кондириб, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган неъматга айтилади.

Куришиб турибдики, товар икки хоссага эга:

а) бирон-бир эхтиёжни кондирish;

б) маълум миқдордаги товарни бошқа товарга алмашиш хоссаси.

Товарнинг инсоннинг бирон-бир эхтиёжини кондирish хоссаси истеъмол қиймати дейилади. Товарнинг истеъмол қиймати унинг а) шакли, б) сифати, в) наф келтиришида ифодаланади.

XVIII-XIX асрга келиб, узок кутилган жавоб топилди. Бу товарда мужассамлашган киймат булиб, унинг биринчи таърифни сиёсий иктисод классиклари В.Петти, А.Смит, Д.Рикардолар беришди. Уларнинг фикрича, хар кандай товар кийматининг асосида унга сарфланган меҳнат ётади. Меҳнатнинг уллови эса иш вақти. Бир хиллиги товар ишлаб чиқариш учун ишловчи турлича вақт сарфлайди. Бу вақт индивидуал иш вақти булиб, у индивидуал кийматни яратади. Индивидуал иш вақти ишлаб чиқариш шароити, ишчиларнинг малакаси, тажрибасига кура фаркланади. Бозорда товарлар индивидуал иш вақти сарфи буйича эмас, балки ижтимоий зарурий иш вақти буйича сотилади. Ижтимоий зарурий иш вақти деб уртача меҳнат унумдорлиги ва меҳнат интенсивлиги шароитида товарларнинг асосий массасини ишлаб чиқариш учун зарур булган вақтга айтилади.

Киймат ижтимоий муносабат сифатида факат алмашув жараёнида юзага чиқади ва алмашув кийматида намоён булади.

Иктисодий назария курсатадики, кийматнинг меҳнат назарияси ҳамма саволларга жавоб берадиган бенуксон назария эмас экан. Бу назарияни собиқ Иттифокда куллашга килинган ҳаракат нарх белгилашнинг ҳаражатлар механизми шаклланишига олиб келди. Ҳаражатларни купайтириш ишлаб чиқарувчиларга жуда кул келади.

Киймат назариясининг энг жиддий камчиликдаридан бири товарнинг истеъмол кийматига аҳамият бермасликдир.

Улар нафлиликни товарнинг объектив хоссаси билан аралаштирмаслик керак, нафлилик бу харидорнинг уз эҳтиёжини кондиритиш нуктаи назаридан берган индивидуал субъектив баҳосидир дейишади.

Киймат назарияси билан нафлилик назариясининг бош мақсади турли истеъмол кийматларини ёки нафлиликни таккослаш муаммосини ҳал қилишдир.

Бозор иктисодиётининг яна бир объекти пул. У махсус товар булиб, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг махсулидир. Пулнинг келиб чиқиши тугрисидаги эволюцион концепцияга биноан, у ижтимоий меҳнат

таксимотининг, товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг натижаси.

Натижада товарлар ичидан шундай бир товар ажралиб чиқиши объектив зарурат бўлиб қолдики, бу товар қатор хусусиятлари билан аввалги айирбошлаш воситаси бўлиб хизмат қилган товарлардан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туриши талаб этилган:

1. Узок муддат саклаш мумкинлиги.
2. Узок масофага олиб бориш қулайлиги.
3. Табиатда қамёб бўлиб, қам миқдорининг ҳам кадр-қимматини юқорилиги.

4. Сифат жиҳатидан бир хиллиги.

5. Кадр-қимматини йукотмай, осон бўлиниши ва қушилиши. Мана шундай хусусиятларга нодир металллар, қумуш ва олтин эга бўлиб, улар ҳар қандай бошқа товарга айирбошланади, яъни умумий эквивалент ролини уйнайди. Ана шундай хоссага эга бўлган алоҳида товар пул деб аталади.

Дастлаб, муомалада қумуш ва олтин пуллар, сунгра олтин, кейинчалик олтиннинг белгиси сифатида қогоз пуллар юритилган.

Ҳозирги пайтда электрон (кредит қарточкалари) пуллар пайдо бўлиб қенг қулланила бошлади.

Маълумки, классик сиёсий иқтисод вакиллари пулнинг беш функциясини: қиймат улчови, муомала, тулов ва жамғариш (ҳазина туплаш) воситаси, жаҳон пулини ажратиб қурсатишган.

Ҳозирги замон иқтисодиёт фани пулни: муомала воситаси, кадр-қиймат улчови, жамғариш воситаси сифатида қуради.

Муомалага электрон-кредит пуллар (вексел, чек ва қимматбаҳо қогоз) қириб қелиши, яъни нақд ва нақд бўлмаган пул ва квази¹ пулларнинг ишлатилиши натижасида пул массаси ибораси қулланила бошланди.

Пул массасини нақд пулга айлантериш имқонияти турлича. Ана шу нақд пулга айлантериш имқонияти ликвидлик даражаси дейилади. Нақд пул мутлак (100%) ликвидликка эга. Нақд бўлмаган пул турларини ликвидлилиқ

¹ Квази – лотинча – qvasi – худди, ифодақайдиган

даражаси паст.

Бозор иктисодиётининг субъектлари

Бозор иктисодиётининг субъектлари тадбиркорлар, ишчилар, капитал, кимматбаҳо коғоз эгалари, тижоратчилар, истеъмолчилар ва хоказолардан иборат.

Бу субъектлар тенг ҳуқуқли бўлиб, бир-бири билан мақсади, ҳамкорликка ундовчи манфаатлари, товар ва хизматлар ҳаракатини ташкил этиш шакли ва характери жиҳатидан боғланган.

Бозор иктисодиётининг асосий субъектлари иктисодий адабиётларда турт гуруҳга бўлинади; уй ҳужалиги, фирма (корхона), банк ва давлат (ҳукумат).

1. Уй ҳужалиги. Унинг таркиби бир ёки бир неча кишидан иборат иктисодий бирлик - оиладан иборат.

Уй ҳужалиги:

а) инсон омилини ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди;

б) мустиқил қарорлар қабул қилади;

в) ишлаб чиқариш омилларининг: капитал, ер, меҳнат, тадбиркорлик омилларининг эгаси ҳисобланади;

г) уз ҳужадиги эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга интилади.

2. Қорхоналар (ҳужалик, фирмалар) иктисодий фаолият юритувчи ҳужалик субъектлари бўлиб:

а) ишлаб чиқариш омилларидан бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат қурсатиш мақсадида фойдаланадилар;

б) максимал даражада фойда олишга ҳаракат қиладилар;

в) мустиқил иш юритадилар.

3. Банк - бозорнинг, қорхоналарнинг нормал фаолият юритишини таъминлаш учун пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия, кредит ташкилоти ҳисобланади.

4. Давлат, аникроги, давлатнинг барча идора, махкама, ташкилотлари. Улар умумий мақсадга эришиш учун ҳуқуқий ва сиёсий ҳокимият орқали ҳужалик субъектлари ва бозорни зарур даражада назорат қилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш ва истеъмол билан ҳам шугулланади.

Бозор иқтисодий субъектлари узаро алоқага киришадилар. Иш қучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотадилар. Улар уз навбатида ишлаб чиқариш омилларини ишлатиб, товар яратадилар, хизмат курсатадилар.

Умуман олганда, бутун жамият аъзолари бир томондан, ишлаб чиқарувчи (хизмат курсатувчи), иккинчи томондан, истеъмолчи. Бозорда эса сотувчи ҳамда харидор сифатида намоён буладилар.

Жамият инсонлардан таркиб топар экан, уларнинг хар бирини уз шахсий ҳаёти, ҳаётдан мақсади, орзуси мавжуд. Хар бир киши жамиятда яшаганлиги туфайли бу орзу-мақсадларни амалга ошириш жамият орқали содир булади. Пировард натижада хар бир кишининг тақдири жамият ва ундаги ҳукмрон социал-иқтисодий тизим билан боғлиқ булади.

Хар бир инсон фаровон яшашга, кишилар уртасида обрӯ-эътибор қозонишга, қолаверса узидан сунг тарихда ном қолдиришга интилади.

Тақдикотчи-психологларнинг фикрича инсониятнинг асосий қисми фаровон яшаш учун ҳаракат қилар экан. Турмуш фаровон булиши учун турли-туман неъматлар мул-қул булиши керак. Бундай мул-қулликни юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги таъминлайди.

Кишилиқ жамияти уз тараккиёти давомида меҳнат унумини ошириш учун инсонни меҳнатга жалб қилишнинг турли йулларини қуллаган. Уларни асосан 3 гуруҳга булиш мумкин:

- а) меҳнатга мажбур қилиш;
- б) меҳнатга иқтисодий рағбатлантириш;
- в) меҳнатга маънавий рағбатлантириш.

Бу усуллар биргалиқда қулланиб қелинган, лекин тарихий ривожланиш босқичларида, турли социал-иқтисодий тизимларда уларнинг нисбати

турлича булган.

Бозор иктисодиёти шубҳасиз афзалликка эга, лекин уни ҳар қандай камчилик ва карама-қаршиликлардан холи идеал механизм деб қараш хато, бозор иктисодиётини ҳолисона баҳолашдан йироқ. Унинг узига хос камчиликлари, заиф томонлари мавжуд:

1. Бозор иктисодиёти қайта тикланмайдиган ресурсларни асраш, табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни талаб даражасида сақлашни, экологик мувозанатни таъминлашни юзага чиқармайди.

2. Иш билан ва нархлар даражаси стабиллигини кафолатламайди.

3. Фанда фундаментал талқикотлар олиб бориш имконияти чекланади. Тезда фойда келтирмайдиган, лекин илм-маърифат, келажак учун муҳим булган тадқиқот, назарий изланишлар рағбатлантирилмайди.

4. Фойда келтирмайдиган ёки зарар келтирадиган, жамият учун зарур булган, лекин сарфлашан харажатлар тезда копланмайдиган, катта маблағлар талаб қиладиган, жамоа биргаликда фойдаланадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш рағбатлантирилмайди.

5. Аҳолини табақаланишини кучайишига олиб келади.

6. Нархлар ларитети (қайчиси) саноат фойдасига ҳал бўлади. Юқсак ривожланган бозор иктисодиётида ана шу камчиликларни чеклаш учун давлат томонидан чора-тадбирлар белгиланади.

Бозор иктисодиёти ва бозор муносабатларининг буюк қучи шундаки, у кишилар меҳнат фаолияти активлигини узлуксиз тарзда таъминлайди. Мавжуд ресурслардан асраб-авайлаб фойдаланишига, новацияга интилишига, ҳар бир ишга қул уришдан аввал натижаси қандай бўлишини пухта уйлашга, оқилона таваккалчиликка ундайди.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

- 1. Каримов И. А. Узбекистон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. 1-китоб. Т. «Узбекистон» 1996 йил.**
- 2. Каримов И. А. «Узбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т., «Узбекистон» 1995 йил.**
- 3. Каримов И. А. «Узбекистон - буюк келажак сари». Т., «Узбекистон» 1998 йил.**
- 4. Каримов И. А. Узбекистон XXI аср бусагасида. Хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.**
- 5. Каримов И. А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». Т., «Узбекистон» 2000 йил.**
- 6. Шодмонов Ш. Ш., Алимов Р. Х., Жураев Т. Т. «Иктисодиёт назарияси» Тошкент, «Молия» 2002 йил.**
- 7. Улмасов А., Вахобов. А. «Иктисодиёт назарияси». Тошкент. Шарк. 2006 йил.**
- 8. Тожибоева Д. «Иктисодиёт назарияси». 2 том. Т. «Шарк» 2003 йил.**
- 9. Тожибоева Д. «Иктисодиёт назарияси». 1 том. Т. «Уқитувчи» 2002 йил.**
- 10. Улмасов А., Шарифхужаев М. «Иктисодиёт назарияси». Т. «Меҳнат». 1995 йил.**
- 11. Умаров У. «Иктисодиёт назарияси». Т. 2004 йил.**
- 12. Бекнозов Н ва бошқ. «Иктисодиёт назарияси». Т.**
- 13. Шишкин А. Ф. «Экономическая теория» учебник. М., «ВЛАДОС» 1996 йил.**

www.ziynet.uz

www.nur.uz